

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

АЗИЗ ВА ЯГОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Юқори Чирчиқ туманида эл-юрт манфаатига, мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўшай деб, тиним билмай исланаётган, ташаббус кўрсатаётган ишбилармонлар ва тадбиркорлар сафи тобора ортиб бораётир. Бу, ўз навбатида, ҳудуд экспорт салоҳиятини кенгайтириш, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб масалаларнинг ижобий ечим топиши ва энг асосийси, ишсизлик муаммосининг бартараф этилишида муҳим омил бўлмоқда.



ЕНГИЛ САНОАТ:

ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ, ИСТИҚБОЛ

Тумандаги "Rohat-Plasteks" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаганига эндигина бир йил тўлди. Шунга қарамай, корхона хориждан ишончли ҳамкорлар топиб, маҳсулотларини ташқи савдога йўналтиришга улғурди. Миллий хом ашё – пахтани қайта ишлаб, ип-калава ва хом мато ишлаб чиқарадиган мазкур корхонада дастлаб 70-80 нафар ишчи-ходим меҳнат қилган бўлса, айти

пайтда улар сафи 150 нафарга етди. Кувонарлиси, жамоанинг асосий қисми ёшлар. Йилига 2 минг тоннадан зиёд ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона 80 фоиз маҳсулотини экспорт қилади.

– Бугунги тадбиркор ўз бизнесини нафақат ички бозор эҳтиёжлари учун, балки ташқи бозорни кўзлаб ташкил қилиши керак, – дейди корхона раҳбари Сар-

дор Мирсоатов. – Кўраёпсиз, бунинг учун давлатимиз қанчадан-қанча имкониятлар яратиб бермоқда. Мана шундай имтиёزلардан унумли фойдаланиб, Украина, Латвия, Польша, Россия ва Беларусь давлатларига маҳсулот сотаямиз. Бу йил, Худо хоҳласа, фаолиятимизни янада кенгайтириб, Европанинг бошқа мамлакатларига ҳам чиқишни ният қилганмиз.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда сўнгги йиллардаги бекиёс ўзгаришлар, хусусан, тадбиркорлик соҳасидаги изчил ислохотлар ишбилармонларимизни мана шундай улкан мақсад ва марраларни кўзлаб меҳнат қилишлари учун замин яратаяпти.

Давоми 2-бетда ➡

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Ёшлар – жамиятнинг ишончи, таянчи. Зотан, келажак эгалари тарбиясига эътибор жамият истиқболининг муҳим пойдеворидир.

НАВҚИРОН ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 27 июндаги фармони билан қабул қилинган "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ёшларнинг ташаббуслари, гоёлари ва лойиҳаларини рўйбга чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш, бизнес юритиш кўникмаларини ҳосил қилиш, йигит-қизлар бандлигини таъминлаш йўлидаги жуда катта қадамдир, десак асло янглишмаймиз.

Дарҳақиқат, бугунги шиддаткор замонда ёшлар масаласига безътибор қараб бўлмайди. Сабаби, ўқишу ишдан узоқлашган бола тушқунликка тушади, жамиятдан кўнгли совийди, ўзига бўлган ишончи сўнади. Бунинг оқибатида у но-жоиз ишларга қўл уради, вақтини беҳуда ўтказиши, энг ёмони, жиноятчилик кўчасига қиради.

Президентимиз жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида бу ҳақда алоҳида тўхталиб, ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари учраётганини афсус билан қайд этди. "Бунинг сабаби ёшлар ягона гоё, ягона мақсадлар йўлида жипслаштирилмаётгани, таълим-тарбия ва бандлиқни таъминлашда қўллаб-қувватлаш муаммолар ҳал этилмаётганидир", – деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастурининг қабул қилиниши, қарийб 800 миллиард сўм маблағ айнан ёшларнинг тадбиркорлиги, бандлиги учун йўналтирилаётгани аҳолининг ҳали ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган, бир ишнинг этагини тутиб улғурмаган қатламида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

– Туманимиз аҳолисининг 59 фоизини ёшлар ташкил этади, – дейди Ёшлар иттифоқи Тошкент тумани кенгаши раиси Ҳикмат Зиямуддинов. – Давлат дастури доирасида кенгашимизнинг маҳалалар, ички ишлар идоралари, туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Махсус гуруҳ белгиланган 4 та – ёшлар бандлиги, тадбиркорлиқни ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя ва жиноятчиликнинг олдини олиш йўналишлари бўйича иш олиб бормоқда.

Давоми 2-бетда ➡

МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Айни вақтда вилоятимизда 830 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг айримлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб келаётган бўлса, яна бошқа бир қатор ташкилотлар ижтимоий, маданий ҳамда маърифий соҳаларда аҳолига яқиндан ёрдам бериб бораётир.

Адлия идораларида

Жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол иштирок этишига тўққинлик қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Аниқланган ҳолатларни бартараф этиш ва шу орқали ушбу ташкилотларнинг иш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан Ўрта Чирчиқ туманида ташкил этилган сайёр қабул айнан шу масалаларга бағишланди. Унда вилоятимизда фаолият олиб бораёт-

ган нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, ҳакамлик судлари, адвокатлик идоралари, "Маънавият ва маърифат" маркази, хотин-қизлар кўмитаси каби жамоат тузилмалари вакиллари иштирок этишди.

Сайёр қабул аввалида Президентимизнинг "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Рес-

публикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазирлик йўналишлари асосида сўз борди.

Тадбирда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ўзларини қийнаётган муаммоларни ўртага ташлади. Хусусан, бино билан таъминлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, солиқ имтиёзларининг қўлланилиши, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан

юзга келаётган тушунмовчиликлар каби масалалар ечимига амалий ёрдам кўрсатилди.

Умуман, қабулда турли масалалардаги 43 муурожаатга малакали мутахассислар томонидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Шунингдек, 38 та оғзаки муурожаат белгиланган тартибда қайд этилиб, улар ваколатли органлар билан бир-галикда ҳал этиладиган бўлди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАҚУЛОВ
олган суратлар



ПИСКЕНТЛИКЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида вилоятимиз шаҳар ва туманларида бир қатор янги ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий-маданий муассасалар фойдаланишга топширилмоқда.

Мустақиллик байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш, аҳолига муносиб шароитлар яратиш мақсадида Пискент туманидаги "Ёшлар боғи"да Нурунийлар мажмуаси, "Бирлик" маҳалласида 23-умумтаълим мактаби, "Дўстбеков" кишлоқ оилавий поликлиникаси ва Ногиронлар уйи ўз фаолиятини бошлади.

Энг муҳими, қурилишига 5,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган ушбу иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши натижасида 83 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ЯНА БИТТАГА КЎПАЙДИ

Қибрай туманида яна бир нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолият бошлади.

Тузель кишлоғидаги "Гулбоғ" маҳалласида замонавий дизайн асосида қад ростлаган ушбу муассасада 150 нафар бола таълим-тарбия олади. Кенг ва шинам машғулот хоналари, мусиқа, спорт заллари ҳамда керакли адабиётлар билан таъминланган кичик кутубхона болажонларнинг маънан ва жисмонан камол топишларига хизмат қилади. Байрамга муносиб совға сифатида очилган масканимизни "Нарру Smart Kids" деб номладик. Бу "Бахтли ва ақли болалар" демакдир, – дейди тадбиркор Гулноза Юсупова.

Таъкидлаш керакки, туманда янги барпо этилган ушбу муассаса ана шундай қошоналарнинг тўртинчиси.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА

Мукофот муборак!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва серқирра ижоди, илмий фаолияти, самарали хизматлари, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун бир қанча юртдошларимиз давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан

Варисова Максуда Азизовна – Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасининг 19-кишлоқ оилавий поликлиникаси мудир

"Дўстлик" ордени билан

Керимов Фикрат Азизович – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети жисмоний тарбия назарияси ва услубияти кафедраси профессори

Усманова Дилбар Саидмахмудовна – Қибрай туманидаги "Farhod – madad shifo" хусусий клиникаси эндокринология бўлимининг олий тоифали шифокор-эндокринолог ва клиника менежери

"Шухрат" медали билан
Рахматуллаев Уктам Фуломович – Бўка туманидаги 19-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаза ва фавқулотда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида кўра, мазкур соҳалар фидойилари муносиб тақдирланди.

Мукофотланганларни юксак эътироф билан самимий қутлаймиз!

Офарин!

Ўзингизни шохсупага қўтарилган спортчидек тасаввур қилганмисиз? Халқаро арена, қўллаб-қувватлаш, юзлаб миллион ва элатлар, миллионлаб мухлислар диққат марказидасиз. Бунинг устига, ўнлаб маҳоратли рақибларингизни доғда қолдириб, олтин медалга эга чиқдингиз. Бошингиз узра юртингиз байроғи виқор ила қилпираб, қулоғингиз остида она алласидек ёқимли бўлиб давлатингиз мадҳияси жаранглайди. Қандай бахт!



ШАҲБОЗНИНГ ШИЖОАТИ БЕКОБОДНИНГ ШАМОЛИДАЙ

Бекободлик Шаҳбоз Холмурзаев бугун мана шундай сурур оғушида. Хабарингиз бор, у айни кунларда Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказиладиган XVIII ёзги Осиё ўйинларида спортнинг академик эшак эшиш тури бўйича олтин медални қўлга киритди.

Шаҳбоз бунга қадар бир нечта мусобақаларда ғолиб бўлган. Жумладан, 5 карра Ўзбекистон чем-

пиони, 2014-2016 йиллари Осиё чемпионатида икки марта кумуш медаль соҳиби, Рио Олимпиадаси ва Жаҳон чемпионати мусобақалари иштирокчиси ҳамда Тайландда ўтказилган Осиё чемпионати бронза медали совриндори. Бундан ташқари, у жорий йилнинг июль ойида Кореянинг Ченжун шаҳрида бўлиб ўтган Осиё кубоғи финалиси ҳамдир.

Давоми 4-бетда ➡

Иш бошқарувчи Файзулла Қорабоев билан корхона айланиб эканми, ишчилар учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, очиги, ҳавас қилдик. Махсус кийим ал-

ташқари, ишчиларнинг келиб-кейтишлари учун автобуслар шай.
— Ишонасизми, ҳар куни ишга ўзгача кайфиятда, қувонч билан келаман, —

хонада туну кун иш қизиган деб қизийди.
— Ишга келганимга энди-гина икки ой бўлди, — дейди Асида Аҳмеджанова. — Коллежни тугатганимдан

ўзимга ёқди.
Ўзини Ашурали Жўрабоев деб таништирган йигит бизга ўз ишдан мамнунигини шундай изҳор этди:
— Биласизми, маҳсулотла-

бўлган барча жараён мутахассислар назорати остида боради. Махсус лабораторияда эса маҳсулот намунаси текширувдан ўтиб, сифати бир неча босқичда таҳлил қилинади. Ана шундан кейингина ип-калава ҳамда 10 турдаги хом мато тўқилади.
— Ишлаб чиқаришда ма-

лакали мутахассисларнинг ўрни жудаям муҳим, — дейди пировардида Сардор Мирсоатов. — Шу мақсадда фаолият бошлашдан олдин бир неча тажрибали хорижлик мутахассислар маслаҳатига таяндик. Улар маҳаллий ишчиларимизга асбоб-ускуналардан қандай фойдаланиш кераклигини ўргатишди. Иштиёқи баланд ёшлар жараёни бир зумда, мукамал ўзлаштириб олишди. Мақсадимиз — экспорт географиясини ҳам, маҳсулот ҳажмини ҳам кенгайтириш.

Чет давлатларда юрганнингизда, харид қилган маҳсулотингизнинг бир четиди "Made in Uzbekistan" деган ёзув бўлса, қандоқ яхши!

Эрали НОРБЕКОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Ўтган вақт давомида 37 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, 7 нафар олий таълим, 14 нафар коллеж битирув-

Вилоятнинг Бўстонлик ва Зангиота туманларидаги зияратгоҳлари томоша қилган ёшлар қалбида аждодларимиз, қадимий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларга бўлган чексиз ҳурмат ҳисси пайдо бўлгани шубҳасиз.

Бундан ташқари, уйда таълим олувчи 40 дан зиёд ўқувчиларга Кенгаш томонидан 18 турдаги ўқув қуроли тарқатилди. Навқиронлар ўртасида мунтазам ўтказиб борилаётган турли спорт мусобақалари, хотира турнирлари, танловлар, давра суҳбатлари, байрам тадбирлари завқли таассуротларга бой бўлаётти.

Дарвоқе, кенгаш томонидан уюшмаган ёшлар ҳам жамоат ишларига жалб қилинмоқда. "Уюшмаган ёшлар билан ишлаш ҳафтали-

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

чиси, 4 нафар мударри ва ҳарбий хизматдан қайтган йигит тегишли соҳалар бўйича ишга жойлаштирилди. Кенгаш кўмаги билан 100 нафардан ортиқ ёшлар тадбиркорлик йўналишида махсус курсларда ўқитилиб, уларга 750 млн. сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди, 31 та янги иш жойи яратилди.

— Яқинда кенгаш кўмаги билан 120 млн. сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлдим, — дейди чувалачилик Тохир Каримжонов. — Маблағни

НАВҚИРОН ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ



мақсадли сарфлаш ниятида оёқ кийим ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Натижалар чакки эмас.

— Болалигимдан қуёнчиликка қизиқаман, ҳозир 30 та қуёним бор, — дейди кўктераклик Равшан Рўзалиев. — Яқинда имтиёзли кредит асосида яна 10 та зотдор қуён олдим. Биласиз, қуёнлар йилига 3-4 марта лаб болаётди. Ҳар бола лабда 8-10 тага қўпайишни ҳисобга олсак, ҳадемай қуёнчилик фермаси ташкил этсам керак.

Ёшлар ўртасида туризм ва ички савҳатни ривожлантириш мақсадида коллеж ва мактаб ўқувчиларидан ташкил топган 316 нафар йигит-қизнинг қўҳна ва ҳаммаша навқирон Самарқанд шаҳрига савҳати ташкил этилди.


орқали рўйхатга олинган йигит-қизлар қурилиш ва ободончилик ишларига сафарбар этилди. Шу тариқа уларнинг бўш вақтлари фойдали ишларга сарфланаётди, қолаверса, қўшимча даромадга ҳам эга бўлишмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатади, ёшларнинг ўзи севган иш билан банд бўлиши, эзгу мақсадларни қўлаб яшаши, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ўз-ўзига бўлган ишончининг ортиб бориши учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бунинг учун нафақат маъсуллар, балки ҳар биримиз навқирон авлод қалби-га кириб боришимиз, уларга жуда кенг маънода дўст бўлишимиз керак.

Аянома АЗИЗОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

ЕНГИЛ САНОАТ:

ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ, ИСТИҚБОЛ



маштириш хонаси, ошхона, 3 маҳал овқат, душ ва ҳаттоки, ишчилар саломатликларини доимий назорат қилиш учун ҳамширалар хизмати ҳам ташкил этилган. Бундан

дейди ишчи Дилфуза Тўла-хўжаева. — Бундай қулай шароитда ишласангиз, чарчоқ нималигини унутасиз-да.

Ишчилар ҳар куни 3 смее-нада, 8 соатдан меҳнат қилишади. Шунинг учун кор-

сўнг иш топишга роса қийналдим. Кўп ташкилотлар олий маълумотли мутахассис оламиз, дейишди. Худода шукр, мана ишга ҳам жойлашдим. Ойликларим яхши. Шароитлари зўр. Ишим

римиз чет элликлар қўлига бориб тушишини ўйласам, хурсанд бўлиб кетаман. Бунинг ўзига яраша масъулиятини ҳам ҳис қиламан, албатта. Шу боис, ишимга меҳр билан ёндашаман. Ишимиз унчалик қийинмас. Чунки технология замонавий, жараён тўлиқ компьютерлаштирилган.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш жараёнига тўхталадиган бўлсак, корхонага дастлаб биринчи нав пахта толаси олиб келинади, унга шу ернинг ўзида замонавий ускуналар ёрдамида бирламчи ишлов берилади. Пахта толаси мато тўқиш учун ингичка ип ҳолатига келгунгача

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

Тадбиркорликка қўл уриб, мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўлиши, ўзини ва ўзгаларни иш билан таъминлашни ният

қилганларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиб, қулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда.

ЯРАТУВЧАНЛИК ИШТИЁҚИ

Муҳтарам Президентимиз томонидан имзоланган қатор меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тасдиқланган "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурлари доирасида тадбиркорлик билан шуғулланишга иштиёқманд қўллаб-қувватлашимизга имтиёзли кредитлар ажратилаётди. Мана шундай имтиёزلардан унумли фойдаланаётган тадбиркорларимиз Нурафшон шаҳридаги Ойбек номи маҳаллада ҳам оз эмас.

Маҳаллада истиқомат қилувчи Зиёда Айтиқулова кўп йиллар бозорда савдо қилиб кўрди. Бироқ, ишдан қўнгли тўлмади. Шу пайтларда Зиёда опа банкдан имтиёзли кредит ажратилаётгани ҳақида эшитиб қолди. Ўзи тикувчи эмасми, дарҳол зарур ҳужжатларни тайёрлаб, ишга киришди. Шу йилнинг март ойидан буён Зиёда опа раҳбарлигида кичик тикув цехи иш бошлади. Карабасизки, шу тариқа маҳалладаги 10 нафар

хотин-қиз иш билан таъминланди.

— Ногиронлигим бўлишига қарамай, ишлашга иштиёқим зўр, — дейди моҳир тикувчи Маҳсума Шокирова. — Яхшиям, қўлимда ҳунарим бор экан. Оилам даромадига ҳисса қўшапман. Энг асосийси, бекорчиликка вақт йўқ, йўл ҳақи демайман, ортиқча харажат қилмайман. Бор маҳоратимни ишга солиб, бежирим либослар яратишга, ҳамкасбларимдан ўзиб меҳнат қилишга ҳаракат қиламан.

Ҳозирча ушбу кичик тикув цехида асосан аёллар либослари тикилаётти. Ички бозорда маҳсулотларга талаб кўпайиб бораётти.

— Банкдан олинган кам фойдали кредит фаолиятимизни жадаллаштиришда қўл келди, — дейди тадбиркор Зиёда Айтиқулова. — Мақсадимиз



— фаолиятимизни кенгайтириб, иш ўринларини кўпайтиришдир. Ўзимизнинг маҳсулотлар билан ташқи бозорга чиқишни хоҳлайман. Бугун тадбиркор бўламан, деганга ҳамма шароитлар етарли. Имкониятдан, имтиёздан фойдаланиш ҳам ўзимизга боғлиқ. Бундан ташқари, тикув цехимизда "Устоз-шогирд" анъанаси йўлга қўйилган. Ҳозирда ёш келинларга, қизларга тикувчилик сирларини ўргатмоқдамиз.

Маҳалла фуқаролар йиғини мутахассиси Ҳамида Фозило-

РАИС БУВА ЯНГИ БИНОГА КЎЧДИ

энди хизмат ҳам, ҳиммат ҳам шунга яраша бўлмай...

Муқаддам эски, кўримсиз биноларда фаолият олиб бораётган маҳалла раислари ана энди шинам ва ораста, барча қулайликлари бор иш хоналарга эга бўлишмоқда. Бу янгиликнинг келгузи фаолиятида катта самара келтириши шубҳасиз.



Олмалиқ шаҳри марказидаги Бобур номи маҳаллада 2 минг 271 оила бор. Жами аҳоли 7 358 нафар. Маҳалла раиси Равшан Эр-

гашевнинг таъкидлашича, авваллари улар қўшни маҳалла ҳудудиди, ишлаш учун ноқулай бир муҳитда аҳоли билан мулоқот қилишган.

Янги бино эса шаҳардаги энг катта маҳалла аҳоли учун айна мўддао бўлди.

"Маҳалла фуқаролар йиғини янги бинога эга бўлармиш, бу бинода телефон, факс, интернет бекаму кўст ишларкан", деган хабар шаҳарга овоза бўлганми, бинонинг очилиш маросимига тумонат одам йиғилди. Яшириб нима қилдик — ҳали-ҳануз жуда кўп маҳаллаларда юқорида санаганимиз — оддий зарурий восита ва анжомлар мавжуд эмас. Бечора раис ва котиб, мутахассис бир варақ матни принтердан чиқариш учун етти маҳаллани изғийдиган жойларимиз ҳам йўқ эмасди-да...

Алалхусус, вилоятнинг ўнлаб ҳудудларида байрам шукуҳи қалбларни мунаввар этиб турган шу паллаларда шинам ва ораста биноларнинг очилиш маросимлари ўтказилмоқда. Унда вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъуллари, маҳал-

лий ҳокимликлар мутасадди-лари, аҳоли вакиллари иш-тирок этишаётти.

Оҳангаронда ҳам ана шундай қувончли воқеалармиш, бу бинода телефон, факс, интернет бекаму кўст ишларкан", деган хабар шаҳарга овоза бўлганми, бинонинг очилиш маросимига тумонат одам йиғилди. Яшириб нима қилдик — ҳали-ҳануз жуда кўп маҳаллаларда юқорида санаганимиз — оддий зарурий восита ва анжомлар мавжуд эмас. Бечора раис ва котиб, мутахассис бир варақ матни принтердан чиқариш учун етти маҳаллани изғийдиган жойларимиз ҳам йўқ эмасди-да...

Алалхусус, вилоятнинг ўнлаб ҳудудларида байрам шукуҳи қалбларни мунаввар этиб турган шу паллаларда шинам ва ораста биноларнинг очилиш маросимлари ўтказилмоқда. Унда вилоят "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъуллари, маҳал-

нидан севиниб, жонлиқ сўйиб, элга табаррук қилиш-тирок этишаётти. Енгил кул-ги кўтарилди.

Фонднинг Оҳангарон туман бўлими бошлиғи, тизимда ишлаб суяги қотган тажрибали мутахассис Маҳмуд Холтўраев салмоқлаб сўз айтди. Даврага киришга интиланлар азбаройи кўп бўлганиданим, ичкарига қиролмай, эшик тирқишидан бўлаётган гап-сўзларни ёзиб олаётган эдик. Маҳмуд раиснинг сўзларини тўла англолмадик. Ўзуқ-юлуқ жумалардан эшитганимиз шу: "Кузда ғалвир сувдан...", "Деконларимиз ҳосилини йиғиб олсин..."

Кейин, ҳамма шод-хурамлик билан тарқадик.

Қизик, Маҳмуд Холтўраев маҳалла фаоллари ва раисларга нима деди экан?

Бехзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Нозим АбдулЛА олган сурат

ФАЙЗОБОДНИНГ ФАЙЗИ

ри "Файзобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудиди ҳам ўз аксини топтоқда.

Кўни кеча ушбу маҳалла фуқаролар йиғини учун барпо этилган янги идора биносининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда туман ҳокимлиги вакиллари, "Маҳалла" хайрия жамоат

фонди, "Нуроний" жамғармаси туман бўлимлари, хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фаоллари иш-тирок этди.

Замонавий дизайн асосида қурилган қўркам ва шинам бинода маҳалла йиғини ходимларининг самарали фаолият олиб боришлари учун барча имкониятлар бор.

Айниқса, бу ерда профилактика инспектори учун ажратилган хона ва фаоллар залининг зарур жиҳозлар билан таъминлангани аҳоли билан турли йўналишлардаги маънавий-маърифий тадбирлар ва суҳбатлар ўтказишда қўл келиши шубҳасиз.

Шоира ШОМАТОВА

Миллий матбуот марказида

"Ипотека-банк" АТИБ томонидан "Аҳоли учун арзон кўп қаватли уй-жойларни кредитлаш бўйича янги чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Айни пайтда республикамизнинг барча шаҳарларида банк сармоялари асосида 411 та кўп квартиралар уй-жой қурилиши жадал давом этмоқда. Шу йилнинг ўзига 19 минг 404 та муҳтож оилани арзон уй-жой билан таъминлаш режалаштирилган. Уларга енгиллик яратиш мақсадида бошланғич бадал маблағлари 10-20 фоиз миқдорда, ўзгарувчан тартибда, яъни, кўп қаватли уй-жойларнинг қаватига қараб белгиланмоқда.

Ҳозирда 2017-2020 йилларда шаҳарларда кўп квартиралар уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури тасдиқланган бўлиб, келгуси 4 йил давомида жами 51 минг 350 квартирандан иборат 5, 7 ва 9 қаватли 1 минг 236 та уй-жой қурилади.

Таъкидланганидек, банк қишлоқ жойларда намунали уй-жойлар қурилишини молиялаштиришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 2013-2018 йилнинг 1 августига қадар 9 минг 516 та оилага 998,9 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Садоқат ТОШТЕМИРОВА,
ЎзДЖУТ талабаси

Равно ХОЛИҚОВА

Қарор ижроси юзасидан Пенсия жамғармаси томонидан тўлов қайдноmaları ойнинг 1-3 санасига қадар ушбу

жамғарма томонидан тўлов ойнинг ўиничи санасига қадар тўлиқ молиялаштирилиши таъминланаётир.

манзилига етказиб бериларди. Бугунги кунда пенсия ва нафақа тўлови жараёнини

алмашинуви йўлга қўйилиб, қозғош шаклидан тўлиқ воз кечилди. Пенсия ва нафақаларни

яратмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг муносабатлари тезкор қабул қилиш учун Пенсия жамғармаси ва "Халқ банки"да ишонч телефонлари ишлаб турибди.

Пенсия ва нафақаларни етказиб бериш жадвалига мувофиқ, маблағлар ўз вақтида тарқатилмаса, банк ҳодимлари томонидан қўпол муомала қилинса, ёки СМС хабари келганига қарамай, тўлов амалга оширилмаган ҳолатлар аниқланса, қисқа рақамли 1106 ёки 1140 "Ишонч телефонлари"га муносабат қилишингиз мумкин.

О. Тўйчиев,
Молия вазирлиги
хузуридаги бюджетдан
ташқари пенсия
жамғармаси
вилоят бошқармаси
мутахассиси

ПЕНСИЯ ВА НАФАҚАЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

банкнинг тегишли филиалларига етказиб берилмоқда. Янги тартибга мувофиқ, пенсионерлар пенсия пулларини ўз яшаш манзиллари бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган банк сайёр кассаларида ҳар ойнинг йигирма еттинчи санасига қадар олишлари кафолатланмоқда. Бунга эришиш учун зарур маблағлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 мартдаги "Пенсия ва нафақалар тўлови механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, 2017 йил июль ойидан бошлаб, пенсия ва нафақа тўловлари республиканинг барча ҳудудларида "Халқ банки" тизими орқали, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа маъмурий биноларда амалга оширилиши белгиланган.

Қарор ва ижро

Бундан ташқари, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, мустақил ҳаракатланиш имконияти мавжуд бўлмаган фуқароларга нафақалар бевосита уларнинг яшаш

тезлаштириш, тизим шаффофлигини таъминлаш ҳамда бу борада инсон омилини камайтириш мақсадида Пенсия жамғармаси ва банк ўртасида электрон ахборот

тўлиқ ва тўғри етказилганлиги бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилган. Унга қўра, жамғарма томонидан "СМС пенсия" хизмати амалиётга жорий қилинди. Банк ҳодими фуқарога пенсия ва нафақа тўланганлигини қайд этган заҳоти пенсионернинг телефонига бу тўғрисида СМС хабар келиб тушади. Бу эса, пенсия маблағларини ўзлаштирилиши ёки асоссиз чегириб қолинишини ўз вақтида аниқлаш имкониятини

орқали истеъдодли ёшларимизни саралаб олашимиз. Фолиларни келгусида вилоят ва республика мусобақаларига тасвир қиламиз. Мазкур турнирда 13-14 ёшдаги ўғил болалар ва қизлар 6 та вазн тоифасида баҳсга киришди. Беллашувлар қизиқарли ва муросасиз курашларга бой тарзда ўтди. Ҳар бир қатнашчи маҳалласи шарофтини муносиб Ҳимоя қилишга интилгани қувонарли.

Натижаларга қўра, ўғил болалар ўртасида пискентлик курашчилар Ғиёс Нуриддин, Тоҳир Холимирзаев, Сарвар Турсунбоев ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни эгалладилар. Қизлар ўртасида Эса, Бўстонлик туманидан келган Адазхон Кувондиқова ва Дилфуза Иброҳимова ҳамда пискентлик Мавлуда Турсунбоева барча рақибларини мағлуб этишди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар диплом, медаллар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зулфизар МАМАДАЛИЕВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

«... ЧОРЛАР КУРАШГА МАЙДОН»



бошқичида ғолиб чиққан спортчилар ўзаро курашдилар.

– Ёш авлод қалбида ҳалоллик, барикенглик, инсонпарварлик каби юксак фазилатларни қарор топтиришда миллий курашнинг ўрни беқиёс, – дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси ҳамда бошқа ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган тадбирда мусобақанинг ҳудудий

бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 140 145 000 сўм.

6. "Рамадон" маҳалласи ҳудудида қурилиш режалаштирилётган 2 қаватли, 1-қавати савдо ва 2-қаватида офис бино иншоотлари қуриш учун майдони 0,2 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати 1 578 840 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 335 541 000 сўм.

Охангарон тумани:

7. "Бирлик" маҳалласи ҳудудида қурилиш режалаштирилётган Дорихона учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати 78 942 сўм, қурилиш муддати

зим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 287 840 000 сўм.

Чирчиқ шаҳари:

11. 9-кичик ноҳия, "Чирчиқ 50 йиллиги" кўчаси ҳудудида қурилиш режалаштирилётган қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи қурилиш учун 0,05 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати 868 737 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 322 110 000 сўм.

12. "Троицк" кўрғони, В. Хайдаров маҳалласи ҳудудида қурилиш режалаштирилётган гўшт ва сут маҳсулотлари савдо дўкони қурилиш учун 0,012 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати

"KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" MCHJ TO'SHENT MINTAKAVIY ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ти 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 164 300 000 сўм.

8. "Эйвалек" маҳалласи ҳудудида қурилиш режалаштирилётган Китеб дўкони ва озиқ-овқат дўкони учун майдони 60,0 кв.метр бўлган ер участкаси, минимал қиймати 47 366 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 114 210 000 сўм.

9. "Ойбулоқ" маҳалласи ҳудудида қурилиш режалаштирилётган Спорт мажмуаси қуриш учун майдони 0,2 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати 1 578 840 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 364 412 000 сўм.

Юқори Чирчиқ тумани:

10. Янгибозор кўрғони ҳудудида қурилиш режалаштирилётган 2-3 қаватли, таркибида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қурилиш учун майдони 0,15 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати 1 184 130 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим

ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 200 540 000 сўм.

16. Улугбек кўчаси ҳудудида қурилиш режалаштирилётган ёшлар соғломлаштириш маркази қурилиш учун майдони 0,15 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати 2 606 205 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 620 300 000 сўм.

17. Истикбол кўчаси ҳудудида қурилиш режалаштирилётган кафе бино-иншоотлари қурилиш учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати 521 241 сўм, қурилиш муддати 12 ой,

қурилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 240 540 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми туман, шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб иш кунлари соат 10.00дан 16.00 гача (13.00дан 14.00 гача тушлик) қабул қилинади ва танлов савдолари бўлиб ўтишидан бир кун олдин 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг таклифлари солиingan конвертлари Тошкент шаҳар, Олмазор тумани Қорақамиш-1 кўчаси 1А-уй 309-хонада қабул қилинади. Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент шох кўчаси, 90-уй манзилида 2018 йил 1 октябрь куни соат 15.00 дан бошлаб топширилган таклиф ҳужжатлари очилади.

Оқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган танлов куниди сотилмаган тақдирда, навбатдаги танлов савдолари 2018 йил 8, 15 ва 22 октябрь кунлари соат 15:00 дан бошлаб тақдоран бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Зарурият бўлганда, танлов так-

ОСОЙИШТА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик... Булар юртимизда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ва тизимли саъй-ҳаракатлар тўғрисида.

Огоҳлик

Айни кунларда мамлакатимизда энг улуг, энг азиз айём – юртимиз Мустақиллигининг 27 йиллик байрами тинч ва осойишта ўтказиш борасида барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари зиммасида катта масъулиятли вазифалар турибди.

Шу муносабат билан улур томонидан жойларда турли профилактик, кенг тушунтириш ва тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Хусусан, 10 июлдан 30 августга қадар вилоят миқёсида "То-залаш – антитеррор" мажсу-с профилактик тадбирлари барча ҳудудлар, айниқса, чекка қишлоқ ва овуллар, қўшни давлатлар билан чегарадош туманларда тизимли равишда олиб борилмоқда.

Ўз ўрнида таъкидлашни истардикки, халқимизнинг бебаҳо бойлиғи – Мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва юртимиз барқарорлигини таъминлаш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шу боис, аҳоли билан учрашувларда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилапти.

Вилоятимизда байрам шодиёналарини тинч ва осойишта ўтказиш, бунда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида назорат тадбирлари режаси ишлаб чиқилган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимларига кўмак беришда маҳалла раиси ва посбонлари, кўча ҳамда уй бошларини, турли жамоат ташкилотлари

вакилларида фоллиқ та-лаб этилади. Профилактика ишлари доирасида байрам тантана ва томошалари ўтказилган турли объектлар яна бир бор текширувдан ўтказилди. Аниқланган шубҳали вазиятлар дарҳол назоратга олиниб, уларни бартараф этиш чоралари қўрилди.

"Тозалаш – антитеррор" тадбири давомида турли ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Ҳуқуқбузарликлар тақдорланмаслигининг олдини олиш мақсадида айрим шахслар билан алоҳида суҳбатлар ўтказдик.

Энг муҳими, маҳалла ва аҳоли тураржойларида учрашув ва суҳбатлар, тинчлик-осойишталикни таъминлаш учун "Ўз уйингни ўзинг асра!" одоб-ахлоқ доирасидаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида "Орият", шахсининг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларни бартараф этиш мақсадида "Турмуш", муқаддам судланганлар ўртасида "Назорат" каби профилактик тадбирларни самарали ташкил этишга эътибор қаратилмоқда.

Бу ишлардан мақсадимиз битта – энг улуг, энг азиз байрамимизни кўтаринки руҳда ўтказиш орқали аҳолининг қувончига шерик бўлишдир.

Азиз АЛИАСҚАРОВ,
вилоят ИИБ ЖКБ
бошлигининг ўринбосари,
подполковник

Эшитмадим, деманглар!

АВТОМОБИЛИНГИЗ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТГАНМИ?

Тошкент вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан мажбурий техник кўриққа тақдим этилмаган транспорт воситаларини аниқлаш мақсадида тадбирлар ўтказилмоқда.

Вилоят ИХХБ хабарига қўра, бу каби тадбирлар давомида 100 дан ортиқ транспорт воситалари аҳоли хонадонларида эҳтиёт қисмлар етишмаслиги сабабли ёки фойдаланиш учун умуман яроқсиз ҳолда сақланаётгани аниқланиб, мулк эгаларига бу турдаги транспорт воситаларини белгиланган тартибда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (ДИХХХ) рўйхатидан ўчириш лозимлиги тушунтирилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилмоқда.

Хабарда таъкидлашимизча, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига қўра, транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофиқ мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши белгиланган:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиниш учун фойдаланиладиган энгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сонини 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиниш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларини ташиниш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар – бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганга беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага қиради) транспорт воситалари (мажкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек, ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мажкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўриққа транспорт воситаси-шароитини учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

ДИХХХ органларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилмайди (мажкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари).

а) кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриғи: биринчи марта – 1 март – 30 июнда; иккинчи марта – 1 сентябрь – 31 октябрда ўтказилади.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриғи 1 март – 30 июнда ўтказилади.

Жисмоний шахсларга қарашли транспорт воситаларининг техник кўриғи 1 январь – 31 августда ўтказилади.

Шундай бўлса-да, айрим транспорт воситалари эгалари томонидан номалум сабабларга қўра, транспорт воситасини мажбурий техник кўриққа тақдим этилмаслиқ ҳолатлари кузатишмоқда.

Ўз навбатида, мажбурий техник кўриқдан ўтмасдан ҳаракатланган хайдовчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 125-модда, 3-қисми билан тегишли чоралар қўрилмоқда.

ЎЗА

